

ХУҚУҚ

МУСТАҚИЛЛИК

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ

Фаргона вилоят ҳуқуқ-тартибот идораларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши бўлиб ўтди. Унда ўрта масала кўрилди. Бу учала масала бир-бири билан узвий боғлиқ, бир-бирини тўлдирди. Аввало, ишдан қонунсиз бўлшати ҳар бир фуқаро учун, унинг оиласи, хонадони учун катта фожеа. Неча йиллар ишлаб, ипсиз боғлиб қолган жамоасидан, маънавий қаноат ҳосил қиладиган ишидан айрилган шахсларнинг айримлари туш-қун кайфиятда ичкилик-бозликка берилади. Борган сари тубанлашиб, фарзандларига қарамай қўяди, уларнинг тақдирига заррача қайғурмайди. Бундай кишиларни оталик ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум этибгина болаларини маънавий ҳалокат йўлидан қайтариш мумкин. Маънавий бўзқ оилавий муҳитда тарбия кўрмай ўсаётган вояга етмаган ўсмирлар ҳуқуқбузарлик, жиноят кўчасига қирадилар. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳуқуқ-тартибот идоралари-прокуратура, ИИБ идоралари, судлар ўзаро ҳамкорликда иш юритишлари зарур. Мувофиқлаштирувчи кенгашдан кўзланган мақсад ана шу эди.

ТИРИК ЕТИМЛАР КЎЧАДА ҚОЛМАСИН

Кенгашда биринчи масала юзасидан сўзга чиққан вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Жўраев судларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш бўйича фуқаролик ишларини кўришда «тирик етим»ларнинг бундан кейинги тақдири эътибордан четда қолаётганини кўрсатиб ўтди. Фуқаролик-процессуал ҳамда Оила Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 1998 йил сентябрь ойидаги Пленумининг «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»-ги қарори талаблари тўлиқ бажарилмапти. Жумладан, Езёвон туман суди Маргилон шаҳар прокурорининг Маргарита Т.ни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги даъво аризаласини қаноатлантиришни рад қилган. Ҳолбуки, ушбу фуқаро 1991 йилда Езёвон туман суди томонидан 2 йил 6 ойга озодликдан маҳрум этилган. Унга нисбатан алкоқолизмдан мажбурий даволаш чораси қўлланилган, саккиз ва беш ашар қизлари Людмила билан Надежда Маргилон шахридаги 1-болалар уйига жойлаштирилган эди. Ичкиликка ружу қўйган «ёл жазони ўтаб келгач, қизларини болалар уйдан қайтариб олиш туғул, бирон марта ҳолдан хабар олмади, яна пиёнисталик қилиб, ахлоки бўзқ аёл сифатида маҳсус рўйхатга қўйилди. Езёвон туман суди ана шу ҳолатларни ўрганганда, тўғри қарор чиқаради.

Оналик ёки оталиқдан маҳрум қилишга оид судлар кўраётган фуқаролик ишларидаги яна бир нуқсон - ҳал қилув қарорларида болалар кимнинг тарбиясига берилиши, ота-онасидан нафақа ундирилиши кўрсатилмапти. Нафақа ундириш ҳақида қарор чиқарилганда эса, улар васийлик ва хомийлик идоралари, ФХДЭ бўлимларига юборилмапти ҳамда қарор ижро этилмапти. Чунончи, Қиргули туман прокурорининг А.Ашировани, Қўқон шаҳар ҳокимияти қошидаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг Ф.Маматқулловани оналик ҳуқуқидан маҳрум этишга бид даъво аризалари судларда кўриб чиқилиб, ҳал этилган бўлсада, болаларни тарбиялаш учун кимга ёки қайси муассасага топширил-

гани ноаниқ бўлиб қолган, шунингдек, жавобгарлардан нафақа ундириш кўзда тутилмаган.


Фаргона вилоят прокурорининг судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи А.Абдураҳимов тарбияси ўз ҳолига ташлаб қўйилган, вояга етмаган «кўча болалари»нинг содир этаётган жиноятларига нисбатан қўлланётган жазо чоралари ҳаддан ташқари қаттиқлигини танқид қилди. Вояга етмаган судланувчиларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш чорасини имкон борица шартли жазо билан алмаштириш мақсадга мувофиқ. Судлар оғир, жамият учун хавфли жиноят содир этамаган ўсмирларни шартли жазога тортиб, албатта қайта тарбиялаш билан шуғулланувчи шахсларнинг ёки муассасанинг қўлига топширишлари керак.

Мувофиқлаштирувчи кенгашда шунингдек, судлар томонидан ишга тиклаш ва мажбурий беқор юрган кунлари учун иш ҳақи ундириш ҳақида фуқаролик ишларининг қонунийлиги масаласи кўриб чиқилди.

Музокарада сўзга чиққан вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси А.Назаров, Қўқон шаҳар прокурори О.Султонов, Фаргона вилояти халқ маорифи бошқармаси бошлиғининг муовини Н.Ҳакимов ушбу соҳалардаги муаммоларни ҳал этишга оид фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Фаргона вилоят судининг раиси О.Тургунбоев судьяларни ўз устларида ишлашга, қонунларни чуқур ўрганашга, ҳар бир ишни инсон тақдири учун масъулиятни ҳис этиб одилона кўриб чиқишга даъват этди. Фаргона вилояти адлия бошқармасининг бошлиғи Т.Сўпиёв маърузаларда кўрсатилган ҳато ва камчиликлар ўтган йиллари ҳам муҳокама қилинган, тегишли чоралар белгилаштишга қарамай, яна такрорланаётганини афсус билан қайд этди. Бунга чек қўйиш учун ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигини янада кучайтириш зарур.

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ййилишида Фаргона вилояти прокурори вазифасини бажарувчи Р.Каримов сўзга чиқди. Кенгаш тегишли қарор қабул қилди.

Исроил ИБРОҲИМОВ



Р.НУРИНБОЕВ суратлари

Юртга соғлом авлод керак, Элга кучли қанот керак!


ЮРАКНИ ЧЎҒЛАНТИРГАН ГАПЛАР

Мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларда кечаётган жараёнлар ҳуқуқий наشرлар олдида ҳам моҳият жиҳатдан янги талаблар қўймоқда. Халқимизнинг ҳуқуқий онги, тафаккуридаги янгилаш ва ўзгаришлар бундай наشرларга эҳтиёж кучайиб бораётганини кўрсатади.

Бугунги кунга келиб, ўқувчиларимиз орасида оддий дехқон, фермерлардан тортиб олимۇ зиёлиларгача борлиги биз учун қувонарли ҳол. Лекин ижодий изланишларимиз маҳсули бўлган газета ва журналларимиз уларнинг талабига жавоб бераётганими?

Бугунги учун наشرларимиз сифатини ҳар томонлама яхшилаш зарурлигини теран англаб турибмиз. Сифатини яхшилаш имкониятларидан бири эса ҳуқуқий мавзуда дадил ёздайган муаллифларни наشرларимиз теварагига бирлаштиришдан иборат.

Бундай имкониятни юзага чиқариш мақсадида тахририят олий ўқув юртлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда наشرларимизда долзарб ҳуқуқий мавзулар ёритилиши масалаларига бағишланган ижодий мулоқотлар, учрашувлар, матбуот анжуманлари, баҳс ва мунозаралар ўтказишни режалаштирган эди. Шундай тадбирлардан дастлабкиси Тошкент давлат юридик институтининг профессор-ўқитувчилари, талабалари билан бўлиб ўтди.



3-бет

Ушбу сонда

У ҲАҚМИДИ?	КУНДОШЛАР	ДОЛЛАР ҲИНИ
Ор-номуси эркак дўстининг, хотинининг хиёнатини кечирishi мумкинми? Очидан очик қилинган хиёнатни қайси қонуналар оқлай олади?	Аёл меҳри тошни эритади. Абдурашид аввалоги талмовсирради, гарангсирради, бошини қашлади ва охири бирга яшашга кўнди. Шоҳиданинг кундошига нисбатан аламлири салгина босилгандай бўлди.	Тошкент аэропортига Москвадан самолёт келиб кўнди. Ушбу самолётда ўзлари билан қалбаки 30 минг АҚШ доллари олиб келган ака-укалар Маҳмадалининг уйига эсон-омон этиб олишди.
4-БЕТ	6-БЕТ	7-БЕТ

«ҲУҚУҚ»

юридик газетаси

Таъсисчилар:

Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси,
Тошкент шаҳар ва Тошкент
вилояти прокуратуралари,
«Қонун ҳимоясида»
журнали

Бош муҳаррир:**А.АБДУРАЗЗОҚОВ****Таҳрир ҳайъати:**

Мэлс Наимов,
Ботир Пўлатов,
Бахтиёр Назаров
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Дилшод Исломов
(масъул котиб),
Лола Шомуродова,
Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот
қўмитасида №00150 рақам
билан рўйхатга олинган
Нашр кўрсаткичи — 231, 232

Манзил: Тошкент шаҳри,
академик Яхё Фуломов
кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25,
133-82-34

Таҳририятга келган қўлёзма
ва суратлар етарлига
қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари
таҳририят фикридан
фарқланиши мумкин. Газетада
босилган факт ва далиллар
учун муаллиф масъул.
Наширмишдан кўчириб
босилганда «Ҳуқуқ»дан
олинганлиги кўрсатилиши
шарт.
Тижорат аҳамиятига молик
материаллар ** белгиси
остида чоп этилади.

Газета андозаси таҳририят
компьютер марказида
Pentium-II MMX - 333
компьютериди саҳифаланган.

Саҳифалаш ва дизайн
ишларини Б.Сайдов бажарган.

Газета «Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмахонасида офсет усулида
А-3 форматда
чоп этилган.
Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-232
Нухаси — 18729

Босмахонага топшириш
вакти 20.00
Босмахонага
топширилди 18.00

Газета ҳафтанинг чоршанба
кунлари чиқади

**Навбатчи
Н.МАХМУДОВ**

Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

ФАРМОН ВА ИЖРО

Навий вилотида прокуратура органлари ходимларининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга оид қонуничиликни ўрганиш масалаларига доир семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Мустақиллигининг ҳаётий натижаси туфайли мамлакатимизда тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу масала Юртобшिमиз маърузаларида қайта-қайта таъкидланмоқда. Чунки иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, айниқса, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш тараққиётимизнинг Президентимиз томонидан белгиланган йиллик тарғибнинг асосида амалга оширилмоқда. Бу иш жойларда ўз самарасини бермоқда. Аммо республикамизнинг барча туманлари ва вилоятларида ҳам аҳвол бирдек эмас. Юртобшимизнинг яқинда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши сессиясида қилган маърузаларида «Деҳқон ҳақиқий маънода ер эгасига, мулк эгасига, ўзи яратган бойлиқнинг хўжалигини айлانмас экан, унинг ишида самара бўлмайди», дея ҳаққоний тарзда кўрсатиб бердилар. Ана шундай ҳаётий ва долзарб муаммолар, масалалар ижроси бевосита қонуничилик, назорат ишларининг тўғри ташкил этилиши билан боғлиқдир. Шу маънода кунни кеча Навий вилояти прокуратураси ташаббуси билан ўтказилган семинар-кенгаш катта аҳамият касб этади.

Тадбиркорлар, фермерлар билан ишларнинг бундай самарали усули бевосита вилоят, Навий тумани прокуратураси ходимларининг ташаббуси, амалий кўмаги, Навий тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Дастлаб семинар-кенгаш иштирокчилари Навий тумани ҳокимлиги қарори билан ташкил этилган «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, консалтинг хизмати ва ахборот маркази» фаолияти билан яқиндан танишдилар. Туман ҳокими Э.Бердиев қарорига мувофиқ Марказ томонидан курсатилган хизматлар учун тўлов миқдори имтиёзли тарзда белгиланганлиги анжуман иштирокчиларига гоёт маъқул бўлди.

Марказ фаолиятининг тадбиркорлар ва фермерлар учун энг қўлай томони шундаки, бу ерда кичик қорхона, фермер хўжалиги ташкил этишга доир барча ҳужжатлар тадбиркор ёки фермернинг илтимоси билан тайёрланади. Кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий харажатлари 5800 сўмни ташкил этади. Лекин бозор иқтисодиёти талаблари, тадбиркорлик ва фермерлик билан шугулланмоқчи бўлган фуқароларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг имкониятлари, шарт-шароитларини эътиборга олиб, вилоят ва туман прокуратураси тақлифларини амалга ошириш мақсадида ушбу харажатларнинг бир қисmini қоплаши Навий тумани ҳокими ўз зиммасига олди. Бу маблағ туман ҳокими қарорига мувофиқ «Пахта банк»нинг туман бўлимидаги махсус ҳисоб рақамига кўчирилди. Агар кичик қорхона ёки фермер хўжалиги ташкил этиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашга бир неча ой вақт кетишини эътиборга оلسак, марказ тадбиркорлар, фермерлар учун ниҳоятда асқотлади.

Шундан сўнг семинар-кенгаш қатнашчилари «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш» комиссиясининг фаолияти билан ҳам танишдилар.

Семинар-кенгаш вилоят прокуратураси 3-даражали Давлат адлия маъмураҳати Б.Калоннинг раислигида ўз ишчи бошлади.

Б.Калоннинг сўнги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда Юртобшимиз томонидан юритилган ташаббуслар ва одилонга сиёсат, унинг амалий натижалари хусусида маъруза қилди. Утган йили вилоят деҳқон-фермер хўжаликлари 444 тонна галла, 347 тонна пахта, 660 литр сўт, 155 тонна мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини эл-юрт дастурхонига тортиқ этишди.

— Умуман олганда, вилоят тадбиркорлари томонидан, — деб алоҳида таъкидлаб ўтди Ботир Ҳамзаевич, — 1999 йилда 41 млрд. сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизмат кўрсатилди, вилоят бўйича янги ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 20,3 фоизи деҳқон-фермерлар ҳиссасига тўғри келди. Бу йил уларнинг ҳажми янада ошиши кутилмоқда.

Вилоят прокуратурининг ўринбо-

монидан ҳар йили фермерлар, деҳқон хўжаликлари учун вилоятлардан кўнжара, аралаш озуқа ва чигит чикиндиси олишлари бўйича махсус фондлар ажратилган эди. Афсуски, шу йилнинг ўтган даври мобайнида ана шу ажратмалардан бирор киши ҳам фойдалангани йўқ. Вилоят прокуратураси ташаббуси билан бу ҳолатни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилди.

Банкларнинг тадбиркор ва фермерлар билан муносабатлари ҳам талаб даражасида эмас.

Худда-бехудда текширишлар ҳам тадбиркор ва фермерларнинг фаолиятига ҳалакат бераётганлиги мисоллар билан таҳлил этилди. Чунки, Навий туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан «Тинчлик - 98» фирмасига қарашли «Дилором» савдо дўканида текши-

қувватлаш бошқармаси бошлиғи К.Аҳмедов, вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Н.Жулибековлар иштирок этишиб, тадбиркорларнинг қўллаб-қувватлашга жавоб қайтаришди.

Анжуман иштирокчилари Навий туманидаги «Маданият» ширкат хўжалигида пайҳилик муносабатларининг ташкил этилиши, туман фермер хўжаликлари иш фаолияти, Кармана тумани марказий бозоридида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш, деҳқон-фермер хўжаликлари билан тузилган фьючерс шартномалари тузилиши ва маҳсулотларни реализация қилиш амалиёти билан батафсил танишдилар.

Кармана тумани прокуратурасида анжуман иши давом эттирилди. Семинар-кенгашда муҳокама этилган бу масала алоҳида ва дои-

**ҚОНУН — ТАРАҚҚИЁТ
КАФОЛАТИ**

сари Б.Эргашев «Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришда қонун назорати» мавзусида маъруза қилди.

Маърузачи вилоят ҳудудидида 1332 та фермер ва 26 та деҳқон хўжаликлари фаолият олиб бораётганлигини, уларнинг ҳақ-хўқуқларини ҳимоя қилиш прокуратура идоралари ходимларининг доимий диққат-эътиборида эканлигини, қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида кенг қўлланма ишлар олиб бораётганлигини алоҳида қайд этиб ўтди. Хусусан, тегишли прокурорлик таъсир чораларини қўллаш ҳаётий самара бермоқда. Масалан, жойларда туман ҳокимликлари томонидан чиқарилган 9 та ноқонуний қарорларга протестлар киритилди. Шунингдек, фермер хўжаликларига ихтиёрий равишда 47 млн. 684 минг сўм маблағ ундириб берилди, 466 та шартномалар туздирилди, 12 та фермер хўжалигига қўшимча равишда 102 гектар ер майдонлари олиб берилди.

Навбахор туманидаги «Озода» фермер хўжалиги томонидан «Зарафшон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси номига ёзилган 8 гектар ер майдони ажратиш тўғрисидаги ариза лоқайдлик оқибатида 3 ой давомида натижасиз қолиб келганлиги гоётда ачинарли ҳолдир. Прокуратура ходимларининг арасида туфайли фермерга тегишли ер майдонини ажратилди.

Маърузачи ана шундай мисоллар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам турли шаклларда учраётганлигини каттиқ таъкид қилди.

Утган давр мобайнида кичик ва ўрта бизнес ташкилотларига вилоят тижорат банклари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан 1817 млн. сўм қисқа ва ўрта муддатли, «Бандлик» жамғармаси орқали эса битта фермер хўжалигига 10 млн. сўмлик ўрта муддатли кредитлар берилди. Маърузачи бу кўрсаткичнинг ҳали талаб даражасида эмаслигига алоҳида уруғ бериб ўтди.

Маъмурий буйруқбозлик тизими шарафига суяги қотган айрим мутасадди ижрочилар қарор қабул қилиш, у ёки бу масалани аниқ ҳал этишда етарли фаолият ва ташаббушда қўрсата олмаётганлар. Улар ҳамон қўқоридан бўйруқ кутиб одади — «риоя қилангилар». Масалан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилиги ва бошқа нуфузли маҳкамалар то-

риш ўтказилиб, ДСИ бошлиғининг қарорига биноан фирмага нисбатан қонунга хилоф равишда 110 минг сўм миқдорда иқтисодий жазо қўлланган. Афсуски, вилоятда бундай мисоллар бир ёки иккита эмас.

Кармана туманидан келган тадбиркорлар - ҳунарманд Э.Шавқиев, макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркор Н.Жўраев, гулчи тадбиркор М.Абдуллоев, Навбахор тумани «Гулнигор» фирмаси бошлиғи М.Жумаевалар сўзга чиқиб, муҳокама этилаётган масалалар юзасидан фикрлари, тақлифлари, танқидий мулоҳазаларини айтишди.

Семинар-кенгашда вилоят ҳокими муовини У.Ҳакимов, вилоят ҳокими муовини, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-

миё эътиборни талаб қилиши инобатга олиниб, ҳафтанинг ҳар шанба кунини «тадбиркорлар кунини» деб эълон қилинди. Айни пайтда бу борадаги ишлар кенг қўламада ва қизгин давом этмоқда.

Ана шундай ибратли тадбир олдидан вилоят прокуратураси жамоаси кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга оид икки китобдан иборат қонунлар, меъёрий ҳужжатлар тўпламини тайёрлашда ва кенгаш иштирокчиларга тақдим этишди.

Қонуничилик ҳаққоний маънода тараққиёт кафолатига айланиши учун Навий вилоятида барча имкониятлар мавжуд. Энди агар фақат уларни амалий жиҳатдан ишга солишда.

О.ХОТАМОВ

АКҚ-САА**ИИБ ХОДИМЛАРИ —
МУРАББИЙ**

Газетамизнинг шу йил 2 февраль сонидида «Вояга етмаганлар жиноятчилиги нега ўсмонда?» сарлавҳали мақолада воғна етмаганлар жинояти, уларнинг олдини олиш юзасидан қилинган ишлардаги ҳато ва камчиликлар, жамоатчиликнинг бу борадаги ҳамкорлигида жиддий ўзгаришлар бўлмаётганлиги ҳақида сўз юритилган эди. Яқинда ушбу мақола юзасидан таҳририятга Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси бошқарма бошлиғи З.Бобокалонов имзоси билан муносабат билдирилган хат келди. Унда жумладан шундай дейилди:

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги 182-42-сонли қарори билан Тошкент шаҳар ИИБ тизимидаги воғна етмаганлар билан ишлаш нозирлиги тугатилиб, уларнинг 253 та штат бирлиги ҳамда воғна етмаганларни қабул қилиш ва тақсима шартномасидаги 56 та штат бирликлари қисқартирилди.

Утган 1999 йилнинг иккинчи ярмида воғна етмаганлар ва жиноят қилишга мойил бўлганлар билан яқна тартибда олиб бориш ишлар бўлашиб кетган эди. Бунинг оқибатида воғна етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 11,0 фоиз ошди кетди.

«Қарлар тайёрлаш Миллий Дастури» талабларини бажариш ҳамда Президентимиз томонидан 2000 йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Тошкент шаҳар ИИБ раҳбарияти томонидан ВЕИИ хизматида фарқ қилдирилган, ривожланган ҳорижий давлатлар таърибасидан келиб чиққан ҳолда янги «Мақтаб миллияси» тизimini ташкил этиш бўйича ИИБга тақлиф киритилди.

Бундан ташқари Тошкент шаҳар ИИБ раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган «Воғна етмаганларни миллий истиқлол гоғлари асосида тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури ижро учун Тошкент шаҳар ҳокимиятида бўлиб ўтган йилгишда қабул қилинди.

Жамоатчилик уюшмалари, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликни таъминлаш мақсадида уларга алоҳида профилактика инспекторлари таъинланди. Ушбу ишлар томонидан содир этилаётган жиноятларни таҳлил қилиш, ўрганиш, олдини олиш ҳамда чора-тадбирлар белгилаш мақсадида Халқ таълими Бош бошқармаси, ўрта таълим бошқармаси билан ахборот алмашув амалиёти йўлга қўйилди.

Профилактик ҳисобда турган воғна етмаганларнинг ҳулқ-атвори, яшаш жойларида назоратни қулайтириш мақсадида ИИБ ходимлари мураббий сифатида ҳар бир воғна етмаган ҳуқуқбузарга бириктирилди.

ЮРАКНИ ЧЎҒЛАНТИРГАН ГАПЛАР

«Қонун ҳимоясида» журнали ва «Хуқуқ» газетаси ижодий ходимлари ТДЮИ профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳузурда

Учрашувни қисқача кириш сўзи билан очган ТДЮИ маънавият ва маърифат ишлари бўйича 1-проректори, юридик фанлари номзоди Даврон Аҳмедов ижодий мулоқотнинг танқидий руҳда ўтиши кўпроқ фойдали бўлур эди, деган фикрни билдириди. Учрашувда биринчи бўлиб сўзга чиққан бош муҳаррир А.Абдуразоқов тахририят ходимлари бу даргоҳга ўқувчиларимизнинг фикр-мулоҳазаларини, таклифларини ўрганиш, ўзларини ўйлантираётган бир қанча саволларга жавоб топиш мақсадида келганликларини таъкидлади. У журнал ва газетда ҳуқуқий мавзулардаги чукур тахлилий материалларни кўпайтиришда муаллифлар имкониятларидан фойдаланиш хусусида тўхталиб, улар билан ҳамкорликда ёритилиши керак бўлган бир қатор масалалар ва саволларни ўртага ташлади.

— Юридик институт мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳияти юқори бўлган талаба ёшларини ўзида жамлаган, - деди у. - Улар орасида қонун ижодкорлиги, давлатимиз ҳуқуқий тизимини ислоҳ қилишга оид қимматли таклифлари, ҳуқуқ тарғиботи, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалаларига доир ўткир фикр-мулоҳазалари билан илмий ҳайъатда, ижодда, матбуотда фаол қатнашувчи иқтидорли ёшлар, бўлажак олимлар бўлмаслиги мумкин эмас. Лекин ана шундай талабалар, аспирантлардан бирортасини ўз мақолалари билан тахририятимизга борганини эслай олмаيمиз.

Президентимиз иккинчи чакрик Олий Мажлисининг биринчи сессиясида суд-ҳуқуқ тизими соҳасида ислоҳ қилиниши керак бўлган асосий йўналишларга тўхталиб, жумладан, ҳуқуқ-тартибот идораларининг ўзида биринчи навбатда қонунларга амал қилиниши йўлга қўйиш керак, деган фикрни илгари сурди. Бу масаланинг ечимини ҳурматли ҳуқуқшунос олимлар, қолаверса, бўлажак ҳуқуқшунослар қандай тасаввур этадилар?

Бугунги кунда оддий фуқароларни қўя турайлик, ҳатто баъзи раҳбарларимизда ҳам қонунга муножаат қилиш кўникмаси шаклланимаган.

Яна бир масала. Ривожланган давлатларда виждонан гувоҳлик бериш жамият аъзосининг муқаддас бурчига айланган. Шунинг учун ҳам бу давлатларда қонунбузарликлар устидан жамоатчилик назорати кучли. Ҳуқуқшуносларимиз бизда бу муаммони ҳал этиш учун нималар қилиш керак деб ўйлайдилар?

Ҳуқуқшунос олимларимизнинг, бундай муаммони мавзулардаги тахлилий материалларини нашрларимизда кўпроқ чоп этсак, суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотини чуқурлаштиришга ҳисса қўшган бўлар эдик.

Газета-журналларимизда кам кўринаётган мавзулар шуларгина эмас. Бугунги матбуотда юридик атамаларни ишлатишда чалқашликлар кўпайиб кетаяпти. Масалан, «ҳуқуқшунос» сўзини кимга нисбатан ишлатиш муаммоси ҳануз ўз ечимини топмаган.

Бизга маълум бўлишича, мустақилликнинг ўтган даврида юри-

дик институти талабалари учун бори-йўғи 11 та дарслик яратилибди. Ваҳоланки, мамлакатимизда 41 та юридик фанлари доктори бор. Бу масаланинг ечими борми? Муаммоларни нашрларимиз саҳифасига олиб чиқиб, кўпчилик эътиборига ҳавола этайлик.

Нотиклик санъати алоҳида мавзу. Эътибор қилсангиз, Ҳизбуттаҳрир, ваҳҳобийлик каби диний-экстремистик оқим ташвиқотчилари нотиклик санъати билан айрим ёшларни ўзларига оғдириб олмақдалар. Халқ орасида ишлайдиган кўпгина ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларида эса ана шу хислат етишмайди. Балки ўқув юртларида нотиклик санъатига ўргатишни йўлга қўйиш керакдир? Қонунларимиз, кодексларимизнинг оммабоп шарҳлари, юридик ёрдам, қўлланма тарзида чиқарилган ичмам чўнтак китоблари йўқ. Олимларимиз амалиётдан узилиб қолмақдалар.

Бизга мақола кўтариб борган айрим олимларимизга бу фикр-рингизни амалий мисоллар билан мустаҳкамлаб беринг, десак, қийналиб қолишди. Ушбу учрашувдан кўзда тутилган ҳамкорликда бу каби масалаларнинг ечимини ҳақида мулоқотда бўлсак, мақолалар эълон қилсак, ҳар томонлама фойдали бўлур эди.

Савол-жавоб тарзида кечган ижодий мулоқотда сўзга чиққан профессор-ўқитувчилар, талабалар баъзи масалаларга оидлик киритиб, газета ва журналда мақолалар чоп этишда йўл қўйлаётган камчиликларга ҳам эътиборимизни қаратдилар. Уларнинг айримларини куйида келтираимиз:



Ҳ.Раҳмонқулов,
ТДЮИ кафедрa мудири,
профессор:

— Дарсликлар яратиш билан олимлар шугулланмапти дейиш осон. Лекин бунинг ҳам хали ечимини топмаган ўзига яраша муаммолари бор.

Айрим ёшларимизнинг диний-экстремистик оқимларга билиб-билмай қўшилиб қолаётгани сабабларидан бири бу - ишсизлик муаммосидир. Президентимиз Олий Мажлис сессиясида қуяниб гапирганидек, тадбиркорлик каммайиб кетди. Айниқса ёшларимизни иш билан таъминлаш ўта муҳим. Бу мавзу нашрларингиздан мунтазам жой олиши керак. Бизда қонунлар кўп. Лекин кейинги пайтда қонунга мос келмай-

диган қонун ости идоравий ҳужжатлар ҳам кўпайиб кетди. Бу қонунлар ихросини таъминлашни қийинлаштирмақда.



И.Зокиров,
кафедра мудири, профессор:

— Бу ерда қонун тили ҳақида ўринли гаплар айтилди. Қонун тили миллий, ҳаммага тушунарли ва аниқ бўлиши керак.

«Қонун ҳимоясида» дастлабки йилларда фуқаролик ҳуқуқига доир 30 дан зиёд илмий-назарий мақолалар эълон қилган эди. Лекин ҳозир бундай мақолалар кам кўринапти.

Мулк, оила, тадбиркор аёллар ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар ўта долзарб. Журнал саҳифаларида шу мавзуларда янги руҳлар очилса.

Эдор Ғайзуллаҳўжаев,
ТДЮИ 4-курс талабаси:

— Биз, бўлажак ҳуқуқшуносларни кўпроқ прокурорларнинг амалий иш тажрибаси қизиқтиради. Журналда шу йўналишда материаллар бериб борилса.

Бизга нисбатан билдирилган танқид ўринли. Таклифим шуки, институтда қонунларга шарҳлар буйича танлов ўтказилса. Энг яхши шарҳлар журналда чоп этишга тавсия этилса.



З.Иноғомжонова,
кафедра мудири, доцент:

— Ўтган йили биз аёллар ҳуқуқи мавзуси ёритилган материаллар буйича танлов эълон қилдик. Афсуски, нашрларингизда бу мавзу тахлилий ёритилган мақолани топа олмадик.

Журнал саҳифаларида баъзан мазмунан савб материаллар ҳам учраб турибди.

Унинг 1996 йил 4-5 сонида «Тергов жараёнида гувоҳ муаммоси» мақоласи берилган эди. Ушбу мақолани талабалар ишти-



рокида таҳлил этганимизда кўпга чалқаш фикрларга дуч келдик. Амма журналда бундай савб мақолага нисбатан муносабат билдирилган бирорта ҳам раддияни ўқимадик.



Э.Замбердиев,
сиртқи бўлим факультети декани,
доцент:

— Мусулмон ҳуқуқида «ҳуқуқшунос» деган атама ишлатилмаган, балки фикҳ, фаҳх сўзи учрайди. Эҳтимол, «фикҳ-шунослик», «фаҳхшунос» атамасини қўллаш тўғрирок бўлар. Лекин «ҳуқуқшунослик» сўзи ҳаётимизга чуқур



ўрнашиб қолган. Шунинг учун уни ҳам ишлатаверган маъқул.

«Қонун ҳимоясида» XXI аср журнали бўлиши учун аввало ҳаммининг назарига тушмоғи лозим. Давлатимиз, халқимиз

олдида турган асосий масалаларни ёритишга кўпроқ эътибор бериш керак. Ана шунга ўз олдида қўйган мақсадга эришади.

Ш. Ғайзиев, 1-ҳуқуқ факультети декани:

— Мен журналистларимизни таниш-билишчилик иллатига чалинмасликларини истардим.

Журнал мундарижасида, руқнларни танлашда изчилик йўқолиб бора-япти. Статистик маълумотларни эслатувчи, илмийликдан йироқ мақолалар ҳам кўриниб қолаяпти. Биз ҳам унинг саҳифаларида ўз муаммоларимиз ёритилишини истаймиз. «Хуқуқий сабоқ» руқни ташкил этилса. Бу руқнда ТДЮИ фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар бериш мумкин.

Қонунлар шарҳларига кўпроқ жой ажратиш керак. Айниқса ер, мулк, солиқ, фермер ҳўжаликлари тўғрисидаги қонунлар шарҳлари доимий бериб берилиши лозим.

Мунозарада иштирок этган айрим профессор-ўқитувчиларимизнинг биз ҳажимизда билдирган фикр-мулоҳазаларини келгуси фаолиятимизда инобатга оламиз, албатта.

Матбуот — жамоатчилик фикрини шакллантирувчи, фикрлар хилма-хиллигини ўзида акс эттирувчи ошқоралик минбари. Уйлаймизки, мулоқот-

да биз томондан айтилган мавзулар институт ҳуқуқшунос олимлари, талабаларини ҳам ижодий фаолликка ва нашрларимиз билан ҳамкорликни кучайти-

ришга чорлайди. Улардан тараққиётга, ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишга хизмат қиладиган, ўқувчиларимизни баҳс-мунозарача, чорловчи дадил, тахлилий материаллар кутамиз.

(Ўз муҳбиримиз)
Р.НУРИНБОЕВ суратлари

НУҚТАИ-НАЗАР

ТҮҒРИ ЙЎЛДАН АДАШГАНЛАР

У ҳақмиди?

Ҳеч қайси она фарзандини гуноҳдор, деб ҳисобламайди. Ҳеч бир жиноятчи ўзини ич-ичидан бўлса-да айбдор деб билмайди. Бу қанчалик муҳимлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Чунки айнан шундай фикр ўзига хос муҳитни, балки янги жиноий муҳитни вужудга келтириши мумкин. Баротжон Райимқулов ҳам ўзини, онаси Каромат ая эса ўглини айбдор деб ҳисобламасликлари аниқ...

Уни дарвоза олдида дўстлари, қариндош-уруғлари қутиб турарди. Оғир кунда ҳамнафас бўлган янқилари қараб ич-ичидан бугуналиб келган дард кўзларидан ёш бўлиб чиқди.

Қисқа маълумот: Баротжон Райимқулов, 1958 йил Сирдарё вилоятида туғилган. Мутахассислиги зоотехник. Қотилликда айбланиб, 8 йил қамоқ жазосини ўтаган. Оиласи билан ажрашган.

У ҳақмиди? Бу саволни у ўзига жуда кўп марта бериб кўрган. Кимнинг яшашга ҳаққи бор эди? Унингми ёки «дўсти»нингми? Ҳаммаси қандай содир бўлди?

Эл оғзида юрган миш-мишлар унинг ҳам қулоғига тез-тез қилишиб турарди. Бунини одамларнинг одатдаги ғийбатига йўйди. Ахир уларнинг ҳеч бири дўстининг ўрнини босолмасди. Тез-тез дўстиникига борар, дўсти ҳам унинг оиласига келиб турарди. Иш шунчаликка бориб етдики, бир-бирининг оилавий сирлари ҳам, муаммолари ҳам умумлаша бошлади. Бир-бирига ака-укадек бўлиб қолишди. Аммо миш-мишлар учриб бошлади. Эмишки, Баротжоннинг хотини билан унинг дўсти «юрмасин». Бир куни бу тўғрида дўстига ҳам тушунтиришга ҳаракат қилди. Лекин «дўсти» бунини қатъиян рад этди.

Тўғриси, дўстининг машинасида ўзи ҳам, хотини ҳам у - бу жойга бориб турарди. Бунга ажабланмас ҳам бўлади. Одатдаги кунларнинг бирини кузатишга қарор қилди. Машини мўнгол хотинини таниёлмади қолди. Сездирмай уларнинг изидан тушди... Машини тўхтади. Улар панана ўтишди... Бунини эслаш азоб! Агар устидан чиқмаганда ўзини тутиб қолган бўлармиди. Лекин бу хиёнат! Эҳ, дунё-и-дун, дўстининг неча жойига пиноҳ урди, у

Таҳририятдан: А.Мустафоқулов доимий муаллифларимиздан бири. Унинг мулоҳазаларига сабаб бўлувчи мақолалари билан Сиз ҳам танишишсиз. Бу гал ҳам у юқоридики м... лласи билан яна бир бахса даъват этади. Очиги, ҳар ўзининг фикрига қўш... ши ёки қўшмаслик ниятидан ироқчи. Зотан, ҳар гал таққорлашганимиздек, тўғри сўзини ўқувчи айтади. Ҳўш, мақолада кўтарилган назарга Сизнинг муносабатингиз қандай? Муаллиф бераётган «У ҳақмиди?» саволига Сиз ҳам жавоб беришга ҳаракат қилинг. Хатларингизни қўямиз.

қандай жон берди, бунини эслолмайдди... Майли уни отишсин, суяги қамоқда чирисин, лекин у тўғри йўл тутди. У кўп марта ҳақ эдимми, деган саволга шундай жавоб берган.

У ҳақмиди? Бу саволга сиз ҳам жавоб бериб кўринг. Сиз Шарқ хисисисиз. Шарқликларга хос (афсуслик, бу фарқликларнинг фикри) «қишлоқчонлик» нималигини яхши биласиз. Шарқона орият, ному, ифбат, ҳалоллик ва садоқат, дўстлик нима эканлигини ҳам эслатишнинг ҳождати йўқ. Шу эзгу фазилатларнинг барчасини биргина «қишлоқчонлик» дея ифодалаб бўладики? Айниқса, мана шундай вазиятда. Орномусли эркак дўстининг, хотинининг хиёнатини кечириши мумкинми? Очиқдан-очиқ, ҳеч бир иккинчи қилинган хиёнатни қайси қонунлар оқлай олади? У қотил бўлди. (Тўғри, бу жазога арзийдиган ҳолат). Лекин пасткашлиг, инфоликка нисбатан мағрур қолди. Бу ўткинчи дунё унга бешафқат бўлган экан, у ҳам бу алдоқчи дунёнинг пасткашликларига бешафқат мағрурлигича қолди.

У ҳақмиди? Қани ёш қонуншунос дўстим, сиз бу саволга жавоб бериб кўринг-чи? Қонун нуқтаи-назаридан... шомилманг, бир нафас тўхтаг. Бу қонунлар инсоннинг онига, юрагига, виждонига яшаиди. Ва бу қонунлар токи инсон инсонлигини йўқотмас экан, яшайверади. Бу кўнра ҳақиқат. Эсланг, душманнинг қўлига асир қолдирмаслик учун хотинини ўлдириб кетган Жаллодидинни! Бу ор-номус эмасми? Эсланг, Бибиҳоним ошиқ устага бериб юборган ҳар хил рангадаги тухумлар ҳақиқиди ривоятни! Хиёнатга нисбатан нафрат ва яна ўша ор-номус эмасми бу?

Қамоқ ўз номи билан қамоқ-да. Саккиз йиллик умри ҳазон бўлди. Бу ерда ҳар хил кишиларни кўрди. Инсонийликни йўқотмаганлар билан дўст тутинди. Эркин кўмсаб яшади, курашди.

Ҳа, бу саккиз йил олдинги Баротжон эмасди. Бешафқат ҳаёт уни бутунлай ўзгартириб юборди. Курашиб яшаш лозимлигини тушунди. Қонунларга бўйсуниб яшашга мажбур эканлигини англади. Оқ йўл, Баротжон!

Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ, Сирдарё вилояти

Беруний туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига бир хил мазмунда кетма-кет ўндан зиёд ариза келиб тушди. Уларнинг ҳаммаси товуқ ўғирланганлиги ҳақида эди. Шикоятлар мазмуни билан танишиб, бу ишни битта гуруҳ содир қилган бўлиши керак деган тахминга келдик ва унга суъийиб иш бошладик. Ниҳоят, тез кунда товуқ ўғирлари фош этилиб, уларнинг фаолиятига нуқта қўйилди.

Кўр кўрни қоронғида топади, деганлари рост гап. Замира ака-ука Отабек, Азизбек, Қаҳрамон ва Ойбек Худойшукроровлар билан танишиб қолганига роса хурсанд бўлди. Унга айниқса Отабек ёқиб қолди. — Эрим роса ифлос одам эди, жонимдан тўйдириб юборди. Учта боламни ҳам йўлаб ўтирмай шартда ажрашдим. Энди сен билан бошқача ҳаёт бошлаймиз, — деб қолди у Отабекка.

Бешовлон Беруний туманидаги идоралардан бирининг қоровулхонасидан бошлана топилди. Жувон ака-укаларга «бошқача яшаш»нинг йўли ҳақида гап очди:

— Товуқ ўғирлаб сотамиз, — деб қолди Замира. — Бу пул топишининг энг осон йўли. Бошқа нарса ўғирласанг, тезда фош бўлиши мумкин, товуққа эса ҳеч ким эътибор бермайди.

... Улар қиш тулларининг бирида Беруний туманидаги Шоббоз деҳқон фермерлар уюшмаси 13-бригадасида яшовчи Фўқаро Тўлибтой Йўлдошевнинг товуқхонасидан учта ғўрз ва ўнча товуқни ўғирлайдилар. Эртаси куни ҳўрзаларни 650, товуқларни эса 600 сўмдан бозорда пуллаб юборишди. Текин даромад уларни янада инқолаштирди. «Иш»лари ҳам юришиб кетди. Ҳар куни биттаси янги гап топиб келарди. — Фалон қишлоқдаги фалончининг товуғи кўп эмиш...

Шу тариқа Беруний шаҳри, Зарафшон кўчасида яшовчи Абдураҳмон

«БОШҚАЧА ҲАЁТ» ИЖОДКОРЛАРИ

Нурмонов, Пўлат Қутлимуродов, Сапаргул Холменова, Қўзибой Тожибоев, Бахтиёр Матёқулов ҳамда Фарҳод Хўжанапасовларга тегишли, жами 80 га яқин товуқларни ўғирлайдилар. Кейин эса, кўнгиллари товуқданам катароқ нарсаларни тусаб қолди. Бахтиёр Жулумуродов хонадонидан велосипедини қўтариб кетишди. Беруний тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси идорасидан эса бир дона қондиционер ва икки дона телефон аппарати ҳам бешлик гуруҳи томонидан ўғирланди.

— Бу ёғига ошгимиз янада олчи бўлади, — дейишарди улар ўзaro суҳбатлашганда. — Тажрибамиз етарли, пул ҳам бор, энди биз янада зўр бўламиз.

Афсуслик, улар жирканч ният ҳеч қачон узок яшамаслигини билмас эдилар. Нафси иймондан вистан ҳисоблаган эпоқ бандлар одамларнинг, уларнинг болаларининг ризки тешиб чиқишини англаб етмадилар. Қонун ҳимоячиларининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида товуқ «ишқибоз»лари фаолиятига нуқта қўйилди. Одил суд ҳўқмига биноан улар тегишли жазоларни олдилар. Мен суд мажлисида давлат айбловчис сифатида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдим. Аммо ҳамон елкамини оғир юк босиб тургандай бўлаверди, ичимни саволлар тирнайверади.

Эҳ, Замира, Замира. Бориға қаноат қилиб, сабр-бардошли бўлиб биринчи оиланг билан тинч-тотув турмуш кечирганингда, қора курсига ўтирмайддинг. Шириндан-ширин болаларингни бағринига босиб яшаётган бўлардинг-ку. Ахир дунёда тотуликдан ортик бахт ва бойлик йўқ-ку! Энди эл-юртга нима дейсан? Эртага болаларингнинг кўзига қандай қарайсан?

Азизбек, Отабек, Қаҳрамон ва Ойбек, сизлар-чи? Ўғирликка сарфлаган куч-ғайратларингизни яхшиликка иштласаларингиз бўлмасмиди? Бир-бирларингни суъиб, бир-бирларингни тўғри йўлга солиб яшасаларингиз, тушуларингиз фарованлашиб кетарди-ку. Азизбек, Отабек, Қаҳрамон, сизлар вақтинча ишламасаңизлар, Аммо ишлайман деганга иш қўп-ку. Лекин, сизлар воёга етмаган Ойбекни ҳам йўлдан урдинглар. Ана энди у ҳам қилган ёмонликларининг жабрини чекишга мажбур.

Биз бу воқеа бошқаларга ибрат бўлар деган ниятда қозғога туширдик. Замирага ўхшаган, аёллик бурчларини унутиб қўйган кичик-халажлар ҳаётда учраб туриши табиий. Улар атрофда теран нигоҳ ташлаб, вақтида тегишли хулоса чиқарсалар Замиранинг қора кўнлари балки уларни четлаб ўтар. Ака-укалар бир-бирларининг нопок йўлдан қайтариб яшасалар Худойшукроровларга ўхшаб чорасиз қолмас. Зеро, ҳар қандай ёмонликнинг, жиноятнинг оқибати войдир.

Холмурод КҲУРБОНОВ, Беруний тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси

Ё, АЛҲАЗАР! АКА — УКАНИНГ ҚОҒИЛИ

Бу воқеа Россиянинг узок Карелия ўлкасида содир бўлди. Деярли йигирма йилдан буён қўришмаган уканиқига ақаси меҳмон бўлиб келди. Меҳмоннинг таширфи муносабати билан уй соҳиби А.Никига бутун қариндошлари йигилишди.

Тўқин дастурхон ёзилди. Меҳмон музоблонга тўриб дийдорлашдилар. Даврага бўлиб ичимликлар аралашгач, сўхбат янада қизи-ди. Гап сивасига бориб тақалди. Г.Зюганов партиясининг ашаддий тарафдори меҳмон ака сивасига бўлган ўз муносабатини коммунистлар нуқтаи назар дан баён қилди. Унинг сўзлари демократлар тарафдори бўлган укага маъжуб бўлмади. Тортишув оғир-оқибат муштлашувга айланди ва 75 ёшли ака ўз уқасини уриб ўлдириб қўйди.

Айни вақтда ушбу ҳодиса юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

МУВҒОФИҚАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ҲУШЁРЛИК ВА НАЗОРАТ ЗАРУР

Маълумки, 16 февраль воқеаларидан сўнг мамлакатимизда ҳуфена тарзда фаолият юришиб келган бир қанча диний-экстремистик ташкилотлар фош этилганди. Уларнинг фаолияти ўрганилганда, мазкур ташкилотларни пул, тур хил қийфайтдаги диний адабиётлар ва бошқа воситалар билан ассосан хоржиқ мамлакатлардаги ҳамтовлоқлари таъминлаб келганликлари аниқланган. Бундай ҳолатларга қатъиян чек қўйилган бўлса-да, аммо баъзи худудларда ана шундай ҳаракатлар гоҳ-гоҳида содир этиляпти.

Масалан, ўтган йилнинг 3 майида Сурхондарё вилоятидаги 3-сонли «Сариосиё» темир йўл божхона масканида «Қонибодом-Душанбе» поезидида кетаётган тохкистонлик Жамолиддин Саидшоёвга тегишли юқлар божхона қўриғидан ўтказилган вақтда 65 донга турли хил диний китоблар, 2 донга брошюра, диний таълим қонспектларидан иборат 6 та дастур, 12 та варақа ва Хусан Соҳибназаров номига берилган паспорт ва харбий билет топилган. Ушбу ҳолат юзасидан Ж.Саидшоёвга нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Иш Қўмўрғон туман судида қўриб чиқилган ва судланувчи 8 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Вилоят худудига диний экстремистик, ақидаларас-

тлик ва конституцион тузумни ўзгартириш, аҳоли ўрта-сида нотинчлик чиқаришга мўлжалланган адабиётлар, варақалар кириб келаятганиги ҳақида маълумотлар бўлса-да, вилот божхона идоралари ҳодимлари бу борада тегишли чора-тадбирлар қўрмаганлар. Натижада ўтган йилнинг 11 оий давомида божхона ҳодимлари томонидан ана шундай ҳаракатлардан бор-йўғи 2 таси аниқланган, ҳолос. Бундан ташқари, турли йўллар билан вилот худудига ўқ-дори, портловчи моддалар олиб ўтишга ҳам уринишлар бўлмоқда.

Сурхондарё вилот ҳўқуқни муҳофаза этиш идораларининг яқинда бўлиб ўтган мувофиқлаштирувчи кенгашида юқоридаги ҳолатлар батафсил таҳлил этилди. Диний экстремизм ва ақидаларастликка қарши кураш олиб боришда ҳушёрлик ва назоратни янада қучайтириш заруриги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Чунки, диний экстремизм ва терроризм нақадар жирканч иллат эканлигиға халқимиз февраль воқеалари мисолида гувоҳ бўлди. Энди эса бундай ҳаракатлар содир этилишига мўтлақ йўл қўймаслик даркор.

Н.ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи



АҚШ Марказий Разведка бошқармаси (МРБ) 7 нафоз ҳодими нисбатан интизомий чора кўрди. Си-Эн-Эн телекомпаниясининг хабар беришича, ана шу МРБ ҳодимларидан бири ишдан бўшатишган, қолган олти таси эса ҳайфсан ва огоҳлантириш билан кифояланганиган. Бундай «оғир» чора қўрилишиға ўтган йили май ойида бўлиб ўтган машаашлар сабаб бўлди. Ўшанда НАТОнинг Югославияға қарши оғчан урушида АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари томонидан Хитойнинг Белграддаги элчиҳонаси бомбардимон қилинган эди. Оқибатда уч Хитой дипломати ҳалок бўлганди. Ушбу етти ҳодим АҚШ авиация разведкасиға нотўғри маълумот етказилганлиғи сабабли содир этилган «англашылмовчлиқ» айбдорлари деб ҳисобланмоқда.

Париждаги 4 та банк бўлини маси қуролланган боқчинилар томонидан «тозалаб» кетилган. Шуниси ажабланарлиқи, 4 та банк ҳам бир кунда, деврли бир вақтда, 5 апрел куни эрталаб талаб кетилган. Жиноятчилар жами бўлиб 120 миғ франк (тахминан 20 миғ доллар атрофида) ўмаришган. Ҳўзирча жиноятчилар топилгани йўқ. Полициянинг таъкидлашича, улар яқинда қўлга олиндилар. Уларнинг сўнги омидалари банк бўлинуларидаги яширин камералар туширган тасвирларда.

Кемерово вилотидиғи 2-болалар меҳрибонлиқ уий ўзига хос ўқ-дори омибриға айланган эканки, бунини аниқлагани чики ишлар ҳодимлари ҳалиғача ҳайратда. Болалар уий тарбияланувчилари қурол-ярғоқ «омборхона»сидан РТД гранатаси, детонаторлар, УДЗ-334, УДЗ-350 портловчи қурилмалари, 3 кг. аммонит топилган. Ҳўзирда бу қуроллар болалар уий тарбияланувчилари қўлиға қандай келиб қолганигини аниқлашға киришилди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши очилган.

БМТ Хавфсизлик кенгаши Африка толибонларига улар назоратида бўлган худудларда паноҳ топган халққаро террорчи Усома бин Ладинни топширишларини сўради. Акс ҳолда «Толибон» ҳаракатиға қарши жазо чораларини қучайтирилишини билдирди. Шу билан бирға толибонларни харбий ҳаракатларни тўхтатишға ва иқтисодиётни йўлга қўйиш ҳақириди. Ёдинғизда бўлса, ўтган йилнинг ноябрь ойида БМТ толибон ҳўкуматиға нисбатан иқтисодий санкциялар эълон қилган эди. Унга кўра толибонларнинг хоржиқ банкларидаги сармоялари «музлатиб» қўйилди, самолётларининг учуши йўналишлари чекланган эди.

БУ ЙЎЛДА ХАТО ҚИЛМАНГ

Аёлнинг меҳри ҳам, қаҳри ҳам қаттиқ. Аёл билан ёвлашиб бўлмайди. У ҳар қандай ёвдан голиб келади. Булардан ташқари, ундаги саъй-ҳаракат доимо маълум бир максадга йўналтирилади. Қўрнимас бу рўҳий ришталар унинг оилапарварлигида яққол кўзга ташланади. У эрининг баъзи ҳақоратлари, қалтаклари чиданган ҳолда ягона максаси - оилани, болаларини сақлаб қолишга жон-жаҳди билан интилади.

Шоҳида Абдуллаевага ҳам ана шундай таъриф-таъсиф бериш мумкин. Бироқ... Унинг хатти-ҳаракатида бу нарса бутун бўй-басти, ошқоралиги билан кўзга ташланадими?

Аслида Шоҳидани бошқа нарса қийнаб келди. Турмуш ўртоғи Абдурашид Қўбаев билан 1983 йилдан 1990 йилгача турмуш қурганди. Уч нафар фарзанд қўрди. Ё ўзидан ҳам ўтди, ё эридан. Не бўлганда ҳам бир оила барбод бўлди. Собик эри Абдурашид ҳам анойилардан эмас экан. 1992 йили у Уринова Ойсифатга уйланди. Бунақасига ҳеч бир аёл чидолмайди. Шоҳиданинг ҳам алами олти эди. Бу орада улар икки фарзанд қўришди.

Билганлар у деди, билмаганлар бу. Гийбат тўғрисида Шоҳиданига қаратилган. Эрини эллаб эр қилмаганга, ландовурга чиқаришди. «Яхши хотин бўлганида Абдурашид сени ташлаб, бошқа кўзга уйланармиди», дейишди. Бу гапларнинг барчаси гийбат, хусумат бўлса-да, лекин айримлари нишонга тегиши. Шоҳиданинг дили ўртанар, аламини қимдан олишни билмасди. Рост-да, узоқ-узоқлардан бу ерга келин бўлиб тушса-ю, эрини биттаси кўз олдига «илиб» кетса. Болали бўлмаганида ҳам майли эди, айб ўзимда деса. Аламли дард уни адоий тамом қила эди. Ниҳоят у бир қуңг аёллик макрими, хийласини ишга солди. Абдурашидга:

— Жанжал ўз ўрнига, болалар етим бўлмасин, ярашайлик. — деди. Аёл меҳри тошни эрига. Абдурашид аввалгига талмовсирлади, гарантсиди, бошини қашлади ва охири бирга яшаган кўнди. Шоҳиданинг кундошига нисбатан аламлар салгина босилгандай бўлди. 1999 йил октябр ойда Абдура-



Кундошлар

шид Ойсифат билан ўрталаридаги никоҳни бекор қилиш тўғрисида туман судига ариза берди. Энди Ойсифатга ҳам осон эмасди. Кундошлар ўртасидаги зиддият тобора кучайиб борарди. Улар кўчада ёки бирор жойда учрашганлари заҳоти бир-бирларини бепарда сўзлар билан ҳақорат қилишар, бундай жанжаллар ҳар гал ўзгаларнинг аралашуви натижасида барҳам топарди.

Кундошлар ўртасида ўтган йилнинг 3 ноябрда бўлган жанжал кўнгилсизликка айланди.

Судланувчи Ш.Абдуллаеванинг кўрғазмасида: «Мен 1999 йил 3 ноябрь куни соат 14 ларда кундошим, яъни эрининг иккинчи хотини Уринова Ойсифатнинг уйига бордим. Унга: «Обруйинг борида, уйни ташлаб кет, сенга бошқа уй топиб берамиз», деб айтмоқчи эдим. Лекин, у мени яхши қутиб олмади, ҳақорат қилди. «Сенга уйни ташлаб чиққунга уйга олов қўйиб юбораман!» деди. Бунга йўл қўймаслик учун кундошимнинг оёқларини ип билан боғлаб қўйдим. Урганчи, бирор жойига тепганим йўқ. Аммо унинг кўчи кетиши учун қўрпа ва бошқа нарсаларини ташқарига чиқариб ташладим. Бу ҳаракатимга қаршилиқ қилган қўшинчи Элов Зоҳиднинг ёқасидан ушлаб торганимда, кўрткасининг орқа томони йиртилди. Стол устидаги

пичоқни олган эмасман. Қизим Манзурага: «Пичоқни ташқарига чиқариб ташлагин!», дедим. Қилган ҳаракатларимнинг гаيرқонуний эканлигини тушундим».

Жабрланувчи Ойсифат Уринова эса қуйидагича кўрғазма беради:

«Қўбаев Абдурашиддан икки нафар фарзандим бор. 1999 йил июль ойидан бошлаб у билан бирга яшайман. Ҳозир эрим биринчи хотини Шоҳида билан яшайпти. Ўтган йил 3 ноябрь куни кундошим кизи Манзура билан келиб, уйни бўшат, деб жанжал қилди. Қўл-оёқларимни ўзи олиб келган ип билан боғлади. Бўйимга пичоқ тираб, уйдан чиқиб кетишимни талаб қилди. Шундан сўнг менинг тўғри келган жойимга уриб, тегди. Қўрпа ва бошқа нарсаларини ташқарига чиқариб ташлади, қўшнилари ҳамда Элов Зоҳидни ҳақоратлади. Зоҳиднинг кўрткасини йиртди. Участка ноизири ва маҳалла раиси келиб, бу шармандалиқни тўхтатди».

Жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрғазмалари, суд-тиббий экспертиси хулосалари ва бошқа далиллар судланувчи Ш.Абдуллаеванинг айбони тўлиқ тасдиқлади. У Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми «г» банди, 57-моддаси билан айбли деб топилди. Лекин, 1999 йилнинг «Аёллар йили», деб эълон қилинганлиги эътиборга олиниб, Ш.Абдуллаевага ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, 2 йил синов муддати белгиланди. Унинг ҳуқуқини навозрат қилиш туман ички ишлар бўлимига юклатилди.

Қурроқ мулоҳаза қилинса, кундошлар можаросида Ш.Абдуллаевани ҳам, О.Уриновани ҳам, эр бўлими А.Қўбаевни ҳам оқлаб бўлмайди. Айниқса, А.Қўбаевнинг хато устига хато қилиши, каъбадек муқаддас оилани нописанд муносабати дилда афсус уйғотди...

С.ЖУМАКУЛОВ, журналист

ТЕРГОВЧИ МИНБАРИ

ЗИНО ВА ЖАЗО

Зино ва зинокорлик муқаддас динимизда қаттиқ қораланади. Эракми ёки аёлми зинокор бўлса икки дунё лаънатига қолади. Зинодан туғилмак деб ким қафолат бера олади? Афсуски, ҳеч ким. Чунки кўзимизга ширин бўлиб кўринаётган жажжи болакайнинг пешонасида кўпчиликка маълум бўлмаган ёзув бор. У ҳам бўлса «валади зино», яъни зинодан туғилган фарзанд деганидир.

«Жиноят кодекси»нинг 118-119-120-моддаларида бунинг учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Унга кўра нафс бандалари қилмишларига яраша одил суд олдида жавоб берадилар.

Мен бир терговчи сифатида юқорида санаб ўтилган моддалар билан айбланувчи кишиларга нафратим ортади. Бундан бир неча ой муқаддам қўлимда бўлган Исмоил Ҳожиевнинг жиноят иши бунинг ёрқин далилидир. Хўш, эндигина 21 баҳорни қаршилаган И.Ҳожиев нима иш қилибди дея уйлаётган бўлсангиз керак. Гап шундаки, Наманган муҳандислик-иқтисодиёт интитутидида қурувчи бўлиб ишлаган бу йигит зинокорликка ўрганди. Ўзидан бир неча ёш катта, 3-кичик туман, 11-уйнинг 15-хонасида яшовчи Наталья Т. билан «дон» олишадиган бўлди. У «севги»-лисини тез-тез йўқлайдиган одат чиқарди. Тунлари униқиди қолиб айшу ишратга берилди.

«Текинга мушук оғтобга чиқмайди» деганларидек кўнгилхушлиқ ўз-ўзидан бўлмайди. Буни яхшича тушунган Исмоил хушторикчига борар экан, ҳамёни кўтарганча егулик олар, аммо ҳеч вақт спиртли ичимлик ва газак олишни унутмасди.

Бир куни Исмоил оdatига кўра у-бу олиб, таниш хонадонга келди. Эшикни Натальянинг ўзи очди. Улар икковлиб оватқилиниб, арокдан симиришди. Ўтириш биров чўзилган Исмоил «хисоб-китоб» қилиш учун Натальегга ёпишади. Бироқ аёл негадир унга қаршилиқ кўрсатади. «Шунча «расход» қилиб индамай кетавераманми?» У шундай хаёлда Натальегга яқинлашади. Лекин яна ўша хол. Исмоилнинг жажжи қўлига эрк беради. Мақсад жирканч ниятини амалга ошириш эди. У бу йўлда аёлни қалтаклашдан, куч ишлатиб зўрлашдан тап тормайди. Муродо ҳосил бўлгач уйкуга кетади. Лекин Наталья бу ҳолдан туман ИИБни огоҳ этади. Ходимлар уйга киришганида Исмоил шармандаларча ётганди. Аёл милиционерларнинг гувоҳлигида бўлган воқеани қозғога туширди.

Хуллас, маъзур иш бўйича тергов ҳам якунланиб иш судга оширилди. Бироқ буни карангки, жабрланувчи суд жараёнида Исмоилга ён босди. Эмишки, у анчадан буюн фарзанд кўрмаётганмиш, аммо Исмоил билан бўлган «муносабатдан» сўнг хомиладор эканидан хурсанд. ИИБ ходимларини чақиритишдан мақсад эса уни тартибга солиш экан, ҳолос.

Наталья бу чўпчакка терговчи ва судьяни «ишонади» деб ўйлаган кўринади.

Дарҳақиқат, Давлатобод туман суди Исмоилнинг жиноят ишини ўрганиб, унга тўрт йил озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташ белгиланди.

Шу ўринда савол туғилади. Ишми, қимматлиги мумкинми? Албатта. Агар у пешона тери эвазига топан пулини ҳаромга сарфламади, ота-онасига ҳаржлаганда бундай бўлмасди. Йўлда йўлқанч аллақандай Натальялар учун бир неча миң сўмини орқа-кетига қарамай сарфлаган йигит шу пулга сумка орқалдан сингилхонисига қўям-қўролими ёки мактаб қийими олиб берганда эди, пешонасига зиногар, судланган деган тамга босилмасди.

Дилмурод УМАРАЛИЕВ, Давлатобод туман прокуратурасининг терговчиси, 3-даражали юрист

БУ ҚИЗИҚ

ОТА ИЗИДАН БОРИБ...

Лайло Али — афсонавий Мухаммад Алининг қизи бокс олами чўққиларини забт этишни давом этмоқда. У профессионал рингда ўзининг бешинчи чиқишини нокаут билан якунлади. Бу сафар унга қарши маҳоратли Карен Билл чикди.

Лайлонинг қандай жанг олиб боришини кўриш учун отаси Мухаммад Али кириб келганда, залдагилар қарсақ ва қийқириқлар билан кутиб олишди. Паркинсон касаллиги билан оғриётган Али кизи иштирокидаги жангда иккинчи бор қатнашди.

76 кг. вазнидаги Лайло оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида, бу энг оғир бўлганлигини тан олди. Учинчи раунддагина у ташаббусни ўз қўлига олишга мусавфақ бўлди. Карен Билл эса агар руҳсат беришганида Лайло Али билан рингда яна бир бор учрашни нияти борлигини яширмади.

ҲАЙФ СИЗГА

Оила — муқаддас тушунча. У икки ёшнинг муҳаббати, хоҳиш-иродаси асосида қурилади. Аммо ҳаётда баъзан буни инкор этмоқчи бўлганлар ҳам учраб туради экан. 2000 йил 25 январь куни Беруний туман суди судьяси Рейимбой Отажонов томонидан кўриб чиқилган жиноят иши ҳам айнан айна шундай ноҳус кўринишлардан бири эди...

... Роҳат мўйлови ўсиб балоғат ёшига етди-ю, ороми йўқолди. Ўтирса ҳам, турса ҳам уйлайдигани қизлар бўлиб қолди. «Овулда ўртоқлари бирин-кетин уйланишарди. Мен-чи? Менинг улардан кам жойим борми? Ушунга кини режани амалга оширмасам бўлмайди-ёв. Чакки қиз эмас. Қади-қомати келишган. Лекин рози бўлармикан?»

Роҳат шу куни синглиси Дилфузага «ёрлиди».

— Бўлди, ака, «есть» қиламиз. Уни уйдан опчиқини менга қўйиб бераверинг, — деди Дилфуза.

Ака-сингил гапни бир жойга қўйиб, аввал келишигандек ўртоқлари Рашид, Рустам ва Юлдузларни уйларига тақлиф қилишди.

Роҳат ўзи машина таъмирловчи уста эди. Уйда тузатаётган А.Бекимовга тегишли машинада Д.нинг уйига йўл олишди.

Юлдузинг келганидан хурсанд бўлган Д. дастурхон тузатиш билан овора эди.

— Дугонажон, овора бўлманг. Менга фалончи фолбиннинг уйини кўрсатсангиз бўлгани. Машина тай-

ҚИЗ ЎҒИРЛАРИ

ёр. Яна уйингизга ташлаб ўтамиз. Д. дугонасининг сўзини икки қилолмай, улар билан фолбинникига йўлга чиқди. — «Дўстлар» фолбиннинг уйига кириб чиққандан кейин, машина йўналишини бошқа томонга ўзгартирдилар. — Қаерга кетаяпмиз ўзи, — кўнгли алланечук гаш бўлиб сўради Д. — «Тўйга» бораёямиз, дугонажон, «тўйга», — қувонч билан жавоб берди Юлдуз. — Тўйга? Менга фолбинга кириб, уйингизга элтиб қўямиз, деган эдиларинг-ку, дугонажон? — Борайлик, ҳурсанд бўласан, — дейишди «дўстлар». Улар бу қиз ичкилиб йўлда би-

рор қилиқ кўрсатиб қўямасин-да, деган хавотирда юракларини «ховуцлаб» бир-бирларига қараб қўйишарди. Машина бирор соатлар ўтар-ўтмас ўнқир-чўнқир йўллардан ўтиб У.Жуманиёзов номили дехқон-фермер ҳўжалиқлари уюшмасининг 13-

бригадаси худудида яшовчи Э.Тўраевнинг уйи олдида тўхтади.

— Мени қаерга олиб келдинглар? — яна ҳайрон бўлиб сўради Д. — Ичкарига кираварайлик, — деди Юлдуз.

— Йўқ, кирмайман — Д.нинг кўнглидаги хавотири авжига чиқди. Шу пайт уч йигит Д. олдида пайдо бўлишиб, уни судараб ичкарига киритдилар.

Мўъжазгина бир хонада худди меҳмон қутилаётгандай янги кўрпача-ёстиклар ташланган, дастурхон ёзилдиқ эди. Д. сўхбат давомиди ҳамма гаплардан воқиф бўлади ва туриб кетаётганда «қув» бўлиши Роҳат Д.нинг йўлини тўсади. «Дўстлар» эса битта-битта бўлиб хонадан

чиқиб кетадилар. «Келин» яна қаршилиқ кўрсатиб қўчиб кетмоқчи бўлганда, Роҳат эшик олдида бориб яна унинг йўлини тўсади. — Менга турмушга чиқсан, — дейди Роҳат. — Нима? Ҳеч қачон, — жавоб қилади Д. — Севган йигитим бор, ахир. Шу тарика хонада «келин» билан «қув»нинг бақирик-чақириқлари эшитила бошлади. Кувёликка даввогар Роҳат қизга бўридек ташланар, куч ишлатиб, унинг номусига тегишга тиришарди. Бироқ Д. фаол қаршилиқ кўрсатиб, Роҳатнинг билангидан тўшлаб олади. Орғиқча қийдай олганга «қув» энди ўз мақсадига эриша олмаганини тушунади ва қизни қўйиб юборади...

Суд ҳукм чиқарди. Қиз ўғирлари Р.Нурқенов, Р.Давлетов, Р.Қороҳновлар турли муқддатларга озодликдан маҳрум қилинган. Д. Рейимбоева ва Ю. Отажоновга эса уч йилга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Уйланиш орузида юрган буйдоқ йигитлар қиз ўғирлаш қонунга кўра жазоланишни билиб қўйсалар ёмон бўлмайди. Чунки, инсон шаъни, кадр-қиммати қонун билан қўриқланади.

Нуриддин ОКНАЗАРОВ, журналист

ТУЙГУ

Ёмғирли тун уйлари

Уч кундири, ёмғир ёяпти. Майдалаб, шивалаб, ерлар жикда ҳўл. Яна сени хотирлаб дераздан ташқарига тикилиб ўтирибман. Япроқлар оҳиста тебранапти, гўё майин куй оҳангига маст бўлгандай. Булутдан ажралган томчилар ерга тушаркан, япроқнинг юзидан бўса олапти. Шу атрофни айланаб юрган шамолнинг рашики келиб, томчини япроқдан силкитиб тушириб юбораяпти. Бечора томчи лабида бўсаннинг шўр таъми-ла ер бағрига сингиб кетаяпти. Атроф гўзал. Табиат ўз хуснига ўзи маҳлиё. Шундай онларда ҳаётни ташлаб кетгим келмайди. Бир япроқчалик умримиз бор. Баҳора туғиламиз, ёзда кўкарामиз, кўзда сулиб... қишда умримиз тугайди.

Кечқурун ёмғир шивирига қўлқ солганча алламаҳалгача ухлай олмадим. Хаёллар менинг ҳаловатимни олиб қўйди. Сенинг хаёлинг бир зум бўлса-да мени тарқ этмайди. Дил эшигини қоқиб тинчлик бермайди. Сен бўлсанг ҳануз кўнглимдан беҳабарсан. Сен мен каби ёза олмайсан, ўйламайсан, мендаги туйгулар йўқ сенда. Мен сенинг олдинда гурурим эгилиб қолишидан чўчиб, дафтар билан ҳасратлашаман. Сен-чи, бу пайтда нималарни ўйлайсан?! Барибир қалбимга кириб келганлигинг рост. Сени кўрсам юрагим нотинч ура бошлайди. Енимдан ўтаётиб ногоҳ қўлимга тегиб кетсанг ҳам вужудим, бутун вужудим «зир» титрайди. Менга тааллуқли бирор оғиз сўз эшитсам аъзо баданим қизиқиб, юзларимдан ловиллаб ўт чиқади. Бу не ҳол?! Нима бу ўзи?! Енимда бошқа қизларни гапираясан, юзимда кулг билан тинглаяман, лекин сўзларингиз юрагимга ўт ёқаяпти. Куйлар кетаман. Индамайман. Ақали бир оғиз сўз ила сездириб қўймайман. Мен сабр қиламан. То кўнглимдаги, кўнглимдаги аниқ бўлгунча сабр қиламан. Ва сенинг борлигингга шукр қиламан. Сен бор-қалбимда қувонч бор. Шунинг ўзи менга кифоя.



СОҲИБА

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

АЁЛ ҚАЛБИ НОЗИК БЎЛАДИ

Хотин-қизлар байрами арафасида синглим билан келишиб шаҳар савдо марказига меҳрибон онажонимизга совға танлаш мақсадида равона бўлдик. Турли-туман молларнинг томоша қилаётиб, ажиб бир воқеанинг шохиди бўлдик. Бир ака-хон ёнида аёли ва икки фарзандини етаклаб харид қилиб юришибди экан. Аёл киши асл гўзаллик шайдо-сида, чаман-чаман қилиб қўйилган бир қучоқ гуллар орасидан улта ниҳоятда хушрўй гулни танлаб олди ва маҳлиё бўлган ҳолда эрига «олиб бering» ишорасини қилди. Шунда бирдан эрининг юзини аллақандай тундлик қамраб олди-ю, «жойига кўй» деб зарда билан жавоб қайтарди. Айни пайтда аёлнинг чеҳрасидаги илиқ табассумдан асорат ҳам қолмади. Индамай, гулни танлаб олган жойига қўйди. Сўнг оҳиста эрига эргашди.

Бўлган воқеа шу-ю, ammo ниҳоятда таъсирликиб кетдим, бутун вужудимни ноҳушлик қамраб олди. Ахир шу мўътабар аёл акажонимизнинг бир умрлик йўлдоши-ю, азиз фарзандларининг муноси онажонининг, хонадонининг чироғи-ю, файиз-кўрки-ку? Наҳотки шундай муқаддас, покиза қалби инсонга шунақа муомала қилинса, атиги 3 донга гул раво қўрилмаса?

Аёл қалби нозик бўлади. У ҳамиша гўзалликка интилиб яшайди, шунингдек меҳрога ҳам ташна бўлади. Оила жамиятнинг асосий негизидир. Келажаки буюк қиладиган соғлом авлод, авваламбор, ана шу оилада камол топади. Шундай экан, истагим барчамиз маънан соғлом муҳит яратишда астойдил ҳаракат қилайлик, бир-биримизга меҳр-муҳаббатли бўлайлик. Чунки бу ўткинчи дунёда инсон-инсонга ганиматдир.

Мухлиса МУСАЕВА,
Навоий Давлат педагогика
институтини 2-курс талабаси



Жарима тўғини мен тепаман

9 - САҲИФА

Инглизларга маза-да.

инглиз тилини

ўрганишим керак.

деб сиқилиб юрмайди...

СПОРТ

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

7-9 апрелда «Юнусобод» спорт саройида Ўзбекистон ва Янги Зеландия теннисчилари ўртасида Дэвид кубогига учун халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда республикамиз терма жамоаси 4:1 ҳисобида галаба қозониб, навбатдаги босқичга йўланмани қўлга киритди.

ОЛДИНДА — «НАСАФ»

Республика футбол чемпионатининг олий табақасида 5-тур учрашувлари ўтказилди.

Бу турда биринчилик пешқадами «Насаф» сафарда «Кимёгар» футболчиларига қарши майдонга тушди. Учрашувда қаршиликлар муҳим 2 очкони бой беришди, лекин бу улارнинг пешқадамлик мавқеига таъсир кўрсатмади.

Қолган ўйинларнинг натижалари:

«Темирйўлчи» - «Нефтичи» - 2:3,
«Пахтакор» - «Трактор» - 3:1,
«Сўғдиёна» - «Турон» - 1:1, «Гулистон» - «Хоразм» - 2:0, «Семурғ» - «Металлург» - 4:1, «Дўстлик» - «Сурхон» - 3:1, «Самарқанд» - «Қизилқум» - 4:0, «Зарафшон» - «Бухоро» - 1:0, «Навбахор» - «Андижон» - 3:0.

КУАГИ БЕКАТИ

Бошиқ котибани чақирди:
— Мана бу хатни зудлик билан қайта ёзин! Сиз гурт фириббар, ўғри, бандит одамни «ҳурматли ўртоқ», деб атабиз.
— Яхши. Қандай мурожаат қилайин. Балким, «ҳурматли ҳамкасб», деб ёзиш керакдир?

Ҳар кун эрталаб трассадан «мерс»-600 «тез тиббий ёрдэм» ва ўт ўчириш машинаси ҳамроҳлигида ўтади. Шу жараёнларнинг бирида йўл назоратчиси кортежни тўхтади ва «Мерседес» ҳайдовчисига юзланди:
— Менга қара, сен бу кортежинг билан жигимга тегаясан. Айтчи, нима учун уларни ортиндан судраб юрибсан?
— Уларнинг менинг жигимга тегаяпсилар-ку, гоҳ

дори қутчангани, гоҳ ўт ўчиргични кўрсат, деявериб!...


Фирма хўжайини котибага танбех берапти:

— Мана бу хатда Сиз жуда кўп хатоза йўл қўйибез...
— Кечирасиз, Аҳмад Раҳматович, уэр, лекин, айтинибди-ку, тўрт оғи бўлатури, от ҳам қоқилади, деб...
— Тўғри, лекин от хўжасининг кепани билан кифояланади, оийга 200 бакс олмайди-да!

Янги русдан сўрашибди:

— Карл Марксин биласанми?
— Яқиндан билмайману, лекин жуда серақол, капитали ҳам мўмайинга шунақа одам ҳақида эшитганман...

КРОССВОРД



Бўйга:

1. Узига хос ақидалари билан бошқалардан ажралиб турувчи ижтимоий, сиёсий, илмий, гоъвий диний йўл. 2. Қабил аруғ. 4. Жазони ўташ жойи. 5. Сунъий газлама тури. 7. Қиз болалар исми. 8. Қазак қўшинлари сардори. 10. Ип ўрамини. 15. «Кичик ҳаж». 16. Узвий давом этиб келадиган аънана, одатлар. 18. Давлат тузилиши шаклидан бири. 20. Ошхона анжومي. 21. Европада ишлаб чиқариладиган автомобиль тури. 22. Чанг, губор. 24. Меваги даррахт. 25. Автомобиль қисми. 27. Тиббий атама. 28. Автобус русуми. 30. Қон қардош, тилдош ва диндош уруғ уюшмаси. 31. Майин шамол. 32. Туркиядаги шаҳар. 33. Тангри. 34. Насл, шаҳара.

Энига:

1. Ўзбек халқ шоири ва мутафаккири. 3. Илон тури. 6. Инглиз ўлчов бирлиги. 8. «Шайтанат» романи қаҳрамонларидан бири. 9. Европача услубдаги ошхона. 11. Енгил жароҳатлиши. 12. Онг. 13. Сурхондарё вилоятидаги туман. 14. Тошкент бадиий устачилик мактабининг наомвдаси, ўзбек халқ устаси. 17. Вақт бирлиги. 19. Буйруқ. 21. Европадаги шаҳар. 23. Қолбасали егулик. 26. Жароҳат ўрни. 28. Инсониятни тоифаловчи омиллардан бири. 29. Мамлакатимизнинг олий орденларидан бири. 33. АҚШдаги штат. 35. Асал. 36. Ёзувчи С. Аҳмад романи. 37. Муқаддас кўшак. 38. Элнинг синоними. 39. Чолғу асбоби. 40. Қурол-яроғ. 41. Украинадаги шаҳар.

Тузувчи: К. ИСМОИЛОВ

Газетамизнинг 13-сонида берилган кроссворд жавобларини Тошкент вилояти, Қўнраб туманидаги Дурмон қишлоғида яшовчи муҳлисамиз, «Турон» акционерлик-тижорат банки ходими Гулбаҳор Исоқова тўғри топиб, жавоб йўллаган.

Ўтган сонда берилган кроссворд жавоблари:

Энига: 1. «Ситора». 2. Нашвати. 6. Ока. 8. Чит. 10. Диод. 11. Самарқанд. 13. Осмон. 15. Азимут. 17. Ибто. 18. Елкан. 19. Фа. 20. Ананд. 22. Алишер. 24. Онг. 26. Норвегия. 29. Қонус. 32. Тибет. 33. Сейкан. 34. Жиззах. 35. Пазанда. 36. Ҳура. 38. Рўмол. 40. Арпа. 42. Бод. 43. Мармар. 44. Ҳу. 45. Асар. 49. «Гала» 51. Пора. 53. «Тошиба». 55. Хамшира. 56. Титан. 58. Зино. 59. Ака. 60. Ажрим. 61. Дисней. 62. Миллик.

Бўйга: 1. Сиртлон. 2. Айбсорг. 3. Нам. 4. Вақт. 5. Идда. 6. Одам. 7. Сом. 9. Тико. 13. Отар. 14. «Нидо». 16. «Зил». 21. Роҳат. 22. Астар. 23. Ертула. 25. Тонна. 27. Виза. 28. Ил. 30. Аска. 31. Ойша. 34. Жабатчи. 37. Эра. 39. Ҳуша. 41. Пир. 46. Суг. 47. «Кибо». 48. Яшин. 49. Газ. 50. Атом. 52. Асад. 54. Ари. 55. Ҳид. 57. Акт.